

ЎЗБЕК ТИЛИ**6-синф****3-вариант****1. Тартиб сонли гапни ажратинг.**

- А) Турсунбой биринчи товушни эшитганда сесканди, учинчи, тўртинчи товушлар эса уни ваҳимага солди.
 Б) Уй тўрт қаватли қилиб қурилган.
 В) Ўқувчиларга биттадан китоб, бир нечтадан дафтар тарқатилади.
 Г) Бирни кўриб фикр қил, кўпни кўриб зикр қил.
 Д) “Бошга тушганини кўз кўради”,-буни сенга бир айтгандим.

2. Жуфт сонлар берилган жавобни кўрсатинг.

- А) Бир, икки, уч
 Б) Ўн икки, йигирма тўрт.
 В) Икки-икки, бир-бир.
 Г) Беш-олти, тўққиз-ўн.
 Д) Иккидан тўрт, олти ярим.

3. Аралаш сон қатнашган гапни белгиланг.

- А) Тўртала дўст ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтирди.
 Б) Дўконларда бу китобларнинг ўндан бири ҳам йўқ.
 В) Ишнинг учдан икки қисми машиналар билан бажарилди.
 Г) Икки карра икки – тўрт.
 Д) Масаланинг ечими беш бутун ўндан икки чиқиши керак.

4. Отлашган сон қатнашган гапни аниқланг.

- А) Иккови ҳам тез орада кўринмай олдинлаб кетдилар
 Б) Кунлардан бир кун шаҳар ҳокимининг олдига ўғирлик билан айбланган бир кишини келтирдилар.
 В) Бир туп тут, тўрт туп турп.
 Г) Бир ойда ҳовлига кўчиб ўтилди.
 Д) Ўн икки ой мобайнида бирон хабар бўлмади.

5. Предметларни яқкалаб кўрсатиш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари:

- А) Парча, варақ, бурда,оғиз, лукма, чимдим;
 Б) дона, нусха, туп, бош, нафар;
 В) гуруҳ, тўда, даста, ҳовуч;
 Г) соат, кун, ҳафта, ой;
 Д) центнер, тонна, литр, кадок, пуд.

6. Олмош бу -

- А) Предметнинг номини билдиради.
 Б) Нарса-буюмнинг ранги, туси, маза-таъминини билдиради.
 В) От, сифат, сон, баъзан равиш ўрнида қўлланиб, уларнинг вазифаларини бажарадиган сўзлар туркуми.
 Г) Предметнинг иш-ҳаракатини англатади.
 Д) Нарса-буюмнинг сон-саногини, тартибини билдирувчи сўз туркуми.

7. Кишилиқ олмошлари берилган жавобни кўрсатинг.

- А) Ҳамма, ҳар бир, ҳеч ким.
 Б) Ким? Нима? Қачон?
 В) Мен, сен, у, биз, сиз, улар.
 Г) Ҳеч ким? Ҳар қачон? Ҳар вақт.
 Д) Мен, ҳамма,биз, улар.

8. Ўзлик олмоши қатнашган гапни белгиланг.

- А) Биз софдил, камтар, ишда зарбдор, турмушда ҳаққоний бўлишимиз керак.
 Б) Сиз учун аталган қўшиқларим бор.
 В) Сен кўп куюнма, эртанги кунингга ишон.
 Г) Интилганга толе ёр.
 Д) Ўз кадрини билмаган эл кадрини билмас.

9. Нарса-буюмни, кимсани кўрсатиш учун ишлатиладиган, қайси? сўроғига жавоб бўладиган сўзлар –

- А) Кишилиқ олмоши
 Б) Ўзлик олмоши
 В) Кўрсатиш олмоши
 Г) Белгилаш олмоши
 Д) Сўроқ олмоши.

10. Қандай кириб қолдим боши берк бу кўчага? Гапдаги олмошлар кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А) Қандай, бу.
 Б) Кириб қолдим.
 В) Боши берк.
 Г) Кўча.
 Д) Бу кўча.

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топширик 1 балл билан баҳоланади. Жами топширикларнинг миқдори - 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»